



The history of irrigation and land reclamation of Central Ferghana (1950–1991)

Maftunakhon RUZIKULOVA¹

Ferghana State University

ARTICLE INFO

Article history:

Received February 2024

Received in revised form

15 February 2024

Accepted 15 March 2024

Available online

25 April 2024

Keywords:

Central Ferghana,
virgin lands,
irrigation,
state farm,
Soviet government,
cotton monoculture,
agriculture,
canal,
land reclamation,
“Ferghanavodstroy”.

ABSTRACT

The article discusses the processes of development and irrigation of virgin lands in Central Ferghana based on primary sources. The formation of districts and state farms in these territories is described in the context of the policy of the cotton monopoly of the Soviet government and the increase in cotton supplies to the central part of the country, as well as their negative consequences. In addition, a chronology is established for the allocation of capital funds from the state budget and indivisible collective farm funds for the development of new lands in the valley.

2181-1415/© 2024 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol5-iss2-pp76-84>

This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

Марказий Фарғонанинг суғорилиши ва ўзлаштирилиши тарихи (1950–1991 йиллар)

АННОТАЦИЯ

Калит сўзлар:

Марказий Фарғона,
қўриқ ерлар,
суғориш,
совхоз,
совет ҳукумати,
пахта яккаҳоқимлиги,
қишлоқ хўжалиги,
канал,
мелиорация,
“Ферганаводстрой”.

Мақолада Марказий Фарғона қўриқ, бўз ерларининг ўзлаштирилиши, суғорилиши жараёнлари, шунингдек, совет ҳокимиятининг пахта яккаҳоқимлиги сиёсати таъсирида бу ерда пахтачиликка ихтисослашган туман ва совхозларнинг ташкил қилиниши ҳамда марказга пахта етиштириб беришнинг ортиб бориши, унинг салбий оқибатлари бирламчи манбалар ёрдамида таҳлил қилинган. Бундан ташқари, водийдаги янги ерларни ўзлаштириш тадбирларига давлат бюджети ва колхозларнинг бўлинмас жамғармасидан капитал маблағлар ажратишнинг йилдан-йилга ортиб борганлиги хронологик тарзда баён қилинган.

¹ Doctoral student, Doctor of Philosophy in History (PhD), Ferghana State University.

История освоения и орошения Центральной Ферганы (1950–1991 годы)

АННОТАЦИЯ

Ключевые слова:

Центральная Фергана, целинные земли, ирригация, совхоз, советское правительство, монокультура хлопка, сельское хозяйство, канал, мелиорация, «Ферганаводстрой».

В статье рассматриваются процессы освоения и орошения целинных земель в Центральной Фергане на основе первичных источников. Описывается формирование районов и совхозов на данных территориях в контексте политики хлопковой монополии советского правительства и увеличения поставок хлопка в Центральную часть страны, а также их негативные последствия. Кроме того, устанавливается хронология выделения капитальных средств из государственного бюджета и неделимых фондов колхозов для освоения новых земель в долине.

Ўзбекистон Республикаси миллий мустақилликни қўлга киритгандан сўнг ирригация-мелиорация ишлари тарихини холисона ва илмий тарзда тадқиқ этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январь куни Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида энг муҳим соҳалар қаторида сув хўжалигини ривожлантиришни янги босқичга олиб чиқиш, қишлоқ хўжалигига тежамкор суғориш технологияларини кенг жорий этиш, сув ресурсларини назорат қилиш ва унинг ҳисобини юритиш тизимини автоматлаштириш каби қатор долзарб вазифалар белгилаб берилди. Мазкур Мурожаатномада қуйидагилар баён қилинди: “2020 йилда 44 минг гектар ерда ёки ўтган йилга нисбатан қарийб 4 баробар кўп майдонда сувни тежайдиган технологияларни жорий этамиз. Бунинг учун давлат бюджетидан 300 миллиард сўм субсидия ажратилади. Шунингдек, сув хўжалиги объектларини бошқариш жараёнларини, сувни назорат қилиш ва унинг ҳисобини юритиш тизимини автоматлаштириш зарур. Ушбу масалалар Сув хўжалигини ривожлантириш концепциясида ўз аксини топиши керак...” [21. Б. 34] каби муҳим вазифалар белгиланган. Шу боисдан ҳам суғориш ва ўзлаштириш тарихини тадқиқ этиш барча даврларда ҳам муҳим ҳисобланган.

Маълумки, совет ҳукумати республикада пахта етиштиришни янада тараққий эттириш ва кўпайтириш мақсадларида суғорма деҳқончилик учун қулай ҳудуд ҳисобланган Фарғона водийсига муҳим эътибор қарата бошлади. Ўзлаштириш ишлари “Чўл ўзлаштириш – мардлар иши” номли шиорлар остида бошланди. Ана шу жиҳатлардан келиб чиққан ҳолда бешинчи беш йиллик (1951–1955 й.й.) режасида ҳамда 1952 йилда бўлиб ўтган Ўзбекистон КП (б) нинг IX съезди резолюцияларида пахтачиликни янада юксалтириш, шунингдек, Фарғона водийсидаги суғориладиган ерлар ҳажмини кенгайтириш ва қўриқ ерларни ўзлаштириш асосий масалалар сифатида таъкидлаб ўтилди. Юқоридаги белгиланган вазифаларни ва СССР Министрлар Советининг қарорларини амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон КП Марказий Қўмитаси ҳамда республика ҳукумати томонидан 1952 йил 16 сентябрда кенгайтирилган қарор қабул қилинган ва унда Марказий Фарғона ерларининг биринчи ва иккинчи навбатини ўзлаштириш мақсадида ҳамда суғориш бўйича амалий вазифалар белгилаб

берилган эди [27. Б. 126]. Ушбу қарорларда шу билан бирга Марказий Фарғонадаги чўл ерларининг 1953 йилдан 1958 йилга қадар 36 000 га ҳажмида ўзлаштирилиши қайд этилди.

Совет ҳокимияти томонидан республикадаги янги ерларни ўзлаштириш чора-тадбирлари ҳамда суғориш тизимини янада ривожлантиришга доир кўплаб қарорлар қабул қилинди. 1952 йил 16 ноябрдаги Ўзбекистон КП МҚ ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг қарорига асосан Марказий Фарғонанинг 65 000 га янги ва кўриқ ерларни суғориш ишлари кўриб чиқилди [1. В. 31]. Шу жумладан, Ёзёвон ва Қизил Тигин чўллари – 30 000 га; Улуғнор канали тизими бўйича – 6 000 га; Охунбобоев номли канал тизими бўйича – 14 000 га; Фарғона, Андижон ва Наманган областларидаги 15000 га майдонни эгаллаган кўриқ ва қаровсиз ётган ерлар. Бешинчи беш йиллик (1951–1955 йй.) даврдан бошлаб Марказий Фарғонанинг кўриқ ерларини ўзлаштириш бошланди [7. В. 3]. Бу тадбирни амалга оширишда республика ёшларини жалб этиш борасида мурожаатнома қабул қилинди. Чунки фақат 1954–1958 йилларда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида 600 минг га ўзлаштирилиши керак эди. Мурожаатномага жавобан 1954 йилда Марказий Фарғона кўриқ ерларини ўзлаштириш учун 1 700 нафар ёшлар келди [8. Б. 35].

СССР Министрлар Совети ва КПСС МҚнинг “Ўзбекистон ССРда 1954–1958 йилларда пахтачиликни янада ривожлантириш тўғрисида”[3]ги 1954 йил 9 февralидаги қарорида Фарғона водийсида 142 минг га майдонни, шу жумладан 116 минг га майдонни Марказий Фарғонада ўзлаштириш ва суғориш кўзда тутилди. Хусусан, Бўз тумани бўйича 1950 йилдан 1954 йилгача 2 803 га ер ўзлаштирилган бўлса, 1953–1958 йил ичида 2960 га янги ер ўзлаштирилди [22]. Марказий Фарғонанинг ялпи майдони 532,4 минг га, шу жумладан нетто (соф) ҳолидаги майдон 363,7 минг га эканлиги, шундан 1953 йилнинг 1 январига қадар 190,5 минг га ўзлаштирилган ер мавжудлиги кўрсатиб берилган эди [26. Б. 28]. Колхозлараро Совет томонидан 1953 йилдан 1956 йилга қадар “Ферганаводстрой” трести Марказий Фарғонадаги кўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш бўйича сезиларли даражадаги ишларни амалга оширганлиги эътироф этилди [7. В. 5].

Ўзбекистон КП МҚ ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1953 йил 20 октябрдаги “Ўзбекистон ССРда суғориладиган ерларни кенгайтириш ва сув хўжалигининг бундан кейинги ривожланиши чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига кўра, Наманган областидаги суғориладиган майдонларнинг 1958 йилдаги ўсиши 38,0 минг га ни ташкил этганлигининг 1952 йилга нисбати солиштирилди ва кўриб чиқилди. Бу майдонларнинг Марказий Фарғона ерлари бўйича ўсиши 28,0 минг гектарни ташкил қилиб, мазкур даврда 1953–1955 йилларда экиш учун 25,0 минг га тайёр бўлиши керак эди. Марказий Фарғонада 1953 йил 1 январидан ўзлаштиришга эга кўриқ ва бўз ерларнинг умумий майдони 173.2 минг га ташкил қилиб, жумладан Фарғона области бўйича – 89.6 минг га, Андижон области бўйича – 83,6 га [13]. 1953–1955 йиллар давомида Гулбоғ совхозидagi кўриқ ерлар 1,6 минг га, янги ерлар 6,3 минг га, Дамкўл янги суғориш массивида эса янги ерлар 3,5 минг га ташкил қилган. Ўзлаштирилган ерларда ташкил қилинган колхозларнинг бир гектар еридан 8-10 ц.гача пахта ҳосили олинди) [14].

1955 йилдаги режа бўйича қурилиш ташкилотлари томонидан амалга оширилиши олдиндан кўзда тутилган ишларнинг натижаларига кўра, бирор бир

объект тугалланмаган ва эксплуатация учун берилмаган. Янги ерларни ирригацион-мелиоратив жиҳатидан тайёрлаш 50 669 га майдонда ўтказилди, жумладан, Фарғона области бўйича – 21 092 га, Андижон области бўйича – 13 862 га, Наманган области – 15 672 га ни ташкил қилди. Ирригацион-мелиоратив жиҳатдан 27 332 га ер тайёр ҳисобланди, ундан 17592 га кўриқ ерлардир [1.В.2].

Марказий Фарғона ерларини суғориш ва ўзлаштиришга ўн йил давомида, яъни 1953–1963 йиллар учун режага кўра 50753,3 минг сўм ажратилди, амалда 40425,8 минг сўм маблағ сарфланди. Шундан жамоа хўжаликларнинг бўлинмас жамғармасидан режада 35309,9 минг, амалда 20170,9 минг; давлат бюджетидан режада 15444,4 минг, амалда эса 20254,9 минг сўм харажатланди. 1953–1960 йилларда Андижон вилояти жамоа хўжаликларининг режа бўйича тўлов (взнос) маблағлари 38,8 млн. сўм бўлиб, Марказий Фарғона ерларини суғориш ва ўзлаштиришга амалда 26,8 млн. сўм киритилди ёки у 69,2 %ни ташкил қилди. 1961 йилда режа бўйича тўловлар 4346 минг сўм бўлиб, шу йилнинг 11 ноябрига жамоа хўжаликлар 1825 минг сўм киритди ёки у 42 % ни ташкил этди [25]. 1953-1973 йилларда Фарғона водийсида янги ерларни ўзлаштириш ва суғоришга сарфланган капитал маблағлар эвазига пахта экин майдони 9,2 %га ўсган ҳолда, бу кўрсаткич ҳосилдорликда 24,9 %, ялпи ҳосилда 42,8 %ни ташкил этди [15. В. 36]. Айтиш мумкинки, юқоридаги барча тадбирлар ва саъй-ҳаракатлар республикада айнан пахтачиликни ривожлантириш мақсадида амалга оширилди.

Марказий Фарғонада жами 75 минг га ердаги ички хўжалик тармоғи қурилди. Наманган областида 1954 йилда 100 млн. м³ ҳажмли Косонсой сув омбори ишга туширилди. Бу сув омборининг ишга туширилиши Наманган атрофидаги кам сув туманларни суғориш имконини берди. Фарғона водийсида Қорадарёда-Тешиктош тўғони, Сўх дарёсида-Сариқўрғон ва Қўқон сув узеллари вужудга келтирилди, бу узеллар Қўқон атрофидаги туманларда 100 минг гектардан кўпроқ ерда сувдан фойдаланишни яхшилади. 1955 йилга мўлжалланган халқ хўжалиги режасининг лойиҳасида республикада сув хўжалиги қурилиши учун ажратиладиган маблағнинг 650 млн. га кўпайтирилиши кўзда тутилди. ЎзССР Сув хўжалиги вазирлигининг ҳисобот маълумотлари баланси бўйича шу йил 1 январдаги ҳолатга кўра, тугалланмаган ишлаб чиқариш ҳажми республикада 409,6 млн. сўмни ташкил қилиб, биринчи ярим йилликда 40,9 млн. сўм ҳажмидаги объектлар фойдаланишга киритилди. Шу билан бирга мазкур йилда яқунланмаган умумий қурилишнинг қолдиғи 368,7 млн.ни ташкил қилди. Ушбу маблағларни кўп миқдорда ўзлаштирмаган ташкилотлар сирасига қуйидагилар кирди: Наманган область суғориш тизими бошқармаси – 73,4 млн. сўм, Мирзачўл қурилиш дирекцияси – 64,8 млн. сўм, Қуйимозор қурилиш дирекцияси – 37,4 млн. сўм ва Фарғона вилоят суғориш тизими бошқармаси – 31,1 млн. сўм.

Ўзбекистон КП МҚ ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1957 йил 26 февралдаги қарорига мувофиқ мазкур йилнинг 18 мартада Ўз ССР Қишлоқ хўжалиги вазирлиги “Марказий Фарғона ерларини суғориш ва ўзлаштириш ишларини кучайтириш тўғрисида”ги буйруқ чиқарди [2]. Унга асосан Марказий Фарғона ерларини суғориш ва хўжалик жиҳатидан ўзлаштириш режаси 1956–1961 йиллар даврида – 80,0 минг гектар кўриқ ва бўз ерларни ташкил қилиб, жумладан, у Фарғона областида – 32,0 минг га, Андижон областида – 28,0 минг га, Наманган областида – 20,0 минг га дан иборат бўлди. 1957 йилнинг 17 августда

Андижон область ижроия кўмитаси раиси хузурида Марказий Фарғонадаги янги ерларни хўжалик ўзлаштириш ва суғоришнинг комплекс схемаси техник кенгаш мажлисида кўриб чиқилди. Мажлисида янги ерларни суғориш ва ўзлаштириш схемаси 173.2 минг га, ундан Андижон области бўйича – 36.4 минг га, Наманган области бўйича – 49.7 минг га, Фарғона области бўйича эса – 87.1 минг га миқдорни эгаллаганлиги таъкидланди [10].

1958 йилнинг 18 мартида ЎзССР Министрлар Совети “1958 йилнинг ҳосили учун янги ва кўриқ (партов) ерларни ўзлаштириш тўғрисида” ги қарорни қабул қилди. 1958 йил ҳосили учун янги ва кўриқ ерларни ўзлаштиришга тайёрлаш ЎзССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон КП МҚнинг 1957 йил 23 сентябрдаги белгиланган қарорига асосан 36,2 минг га ҳажмдаги ерлар республика областлари ва Қорақалпоғистон АССРда қониқарсиз тарзда бажарилаётганлиги ЎзССР Министрлар Совети томонидан қайд этилди. 1958 йил 10 мартдаги ҳолатга кўра фақат 25 минг га ирригацион-мелиоратив тайёрланди, режа бўйича 29 минг га майдондан 17,2 минг га майдонни планини тузиш ўтказилди [8]. Фарғона, Наманган ва Андижон область ижроия кўмиталарига Марказий Фарғонанинг сув хўжалиги қурилиши бўйича Колхозлараро Советга колхозларнинг барча қарзларини узиш ва қарздорликни таъминлаш вазифаси юклатилди.

1958 йил 21 апрелда Ўзбекистон КП МҚ ва ЎзССР Министрлар Совети “Марказий Фарғонадаги янги ва кўриқ ерларни суғориш ва ўзлаштириш бўйича ишларни кучайтириш тўғрисида” ги қарорни қабул қилди [15.В.95]. 1957 йилдаги режа бўйича 12,6 минг га майдон ЎзССР Сув хўжалик вазирлиги ва унинг “Ферганаводстрой” қурилиш трести томонидан ирригация-мелиорация жиҳатдан тайёрланиши керак эди, унинг ўрнига эса 4,6 минг га тайёрланди.

1959 йилнинг 1 январи ҳолатига кўра, бутун Марказий Фарғона объектлари эксплуатацияси бўйича 377826,00 минг сўм капитал маблағ тайёрланди, ундан фақат 172644,64 минг сўми эксплуатация учун ажратилди [4]. Шу йил 23 январда Ўзбекистон КП МҚ ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг “1959 йилда Марказий Фарғона ерларини суғориш ва ўзлаштириш бўйича қурилиш иши дастурини тасдиқлаш ҳақида” ги қарорни қабул қилди. Ушбу ўрнатилган режага мувофиқ Марказий Фарғона массивидаги суғориладиган ерларнинг ўсиши миқдори 13 000 га, амалда эса 10230 га режалаштирилди, шу жумладан, 1959 йилдаги экиш учун 7228 га [24. В. 232]. 1959 йил 3 августда Ўзбекистон КП Марказий Кўмитаси ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети “1959–1965 йилларда Марказий Фарғонада кўриқ ва бўз ерларни суғориш ва ўзлаштириш тўғрисида” ги қарорни қабул қилди [9.В.48]. Ушбу қарор асосида Марказий Фарғона ҳудудларини сув билан таъминлашни янада кўпайтириш ва ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш борасида катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилди. “Қишлоқ хўжалиги оборотига 36 минг гектардан ортиқроқ бўз ва қаровсиз ётган ташландиқ ерлар киритилди, 250 км дан ортиқроқ автомобиль йўллари қурилди, 22 та колхоз посёлкалари барпо қилинди” [16].

Шу йилнинг 9 ноябрида юқоридаги қарорга мувофиқ Андижон область қишлоқ хўжалиги бошқармаси “1959–1965 йилларда Марказий Фарғонада кўриқ ва бўз ерларни суғориш ва ўзлаштириш тўғрисида” ги буйруқ эълон қилиб [5], Марказий Фарғонада 1959-1965 йиллар мобайнида янги ўзлаштириладиган 24,8 га миқдордаги ерларни тайёрлаш юзасидан бажариладиган топшириқ туманлар бўйича тасдиқланди [17]. ЎзССР Қишлоқ ва сув хўжаликлари вазирликлари зиммасига 1959 йил давомида Марказий Фарғона ерларини суғориш ва

ўзлаштиришнинг бош схемасини ва унинг алоҳида массивлар бўйича проектларини кўриб чиқиш, лойиҳавий хўжаликлар майдонини 2,0–2,5 минг га ҳажмида кенгайтириш юклатилди [9. В. 52].

1960 йил 18 мартда ЎзССР Сув хўжалиги вазирлиги “1960 йилда Марказий Фарғона ерларини суғориш ва ўзлаштириш бўйича қурилиш иши дастури тўғрисида”ги буйруқ эълон қилди [19.В.31]. Ушбу буйруқда ЎзССР Сув хўжалиги вазирлигининг Марказий Фарғона объектларини капитал маблағ билан таъминлаш режаси ўрнатилди ва “Ферганаводстрой” трестини 1960 йилда 111.151 минг сўм миқдорида маблағ билан таъминлаш тасдиқланди. 1960 йилнинг 21 мартида Ўз ССР Қишлоқ хўжалик вазирлиги “1960 йилда Марказий Фарғона ерларини суғориш ва ўзлаштириш бўйича қурилиш ишлари дастурларини тасдиқлаш тўғрисида”ги буйруқ эълон қилди [21]. Ушбу буйруқда Ўзбекистон КП МҚ ва Ўз ССР Министрлар Советининг 9 март 1960 йилдаги қарорига асосан қуйидагилар тасдиқланди, жумладан, Марказий Фарғона ерларини суғориш ва ўзлаштириш бўйича қурилиш ишлари дастурига 1960 йилда 187.156 минг сўм миқдоридаги маблағ ажратилди. 1960 йил 14 июлдаги Ўз ССР Министрлар Советининг “Янги ерларни суғориш ва ўзлаштириш бўйича қурилиш ишларига колхозларнинг бўлинмас фонди маблағлари тўлови режасининг бажарилиши тўғрисида” ги қарорида колхозлараро совет томонидан қурилиш ишларига 43210 минг сўм сарфланиши керак эди, амалда эса фақат 17 874 минг сўм ҳажмидаги маблағ ишлатилди. “Ферганаводстрой” трести томонидан сув хўжалиги қурилишига 22400 минг сўм маблағдан 10629 минг сўми киритилди [15. В. 28].

1961 йил 12 майда Ўзбекистон КП МҚ ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг “Марказий Фарғонада кўриқ ерларни ўзлаштиришнинг бориши тўғрисида”ги қарорни қабул қилди [23]. Ушбу қарорда ЎзССР Сув ва қишлоқ хўжалик вазирликлари, Андижон область партия комитети ва область ижроия комитети томонидан Марказий Фарғона ерларидаги суғориш бўйича барча ишларни 1965 йилда тугатиш таклифи маъқулланди. 1953 йилдан 1961 йилга қадар 60,6 минг га ернинг ирригация- мелиорация жиҳатдан тайёрланди, ундан 1960 йилда 41, 0 минг га колхозлар ва совхозларда экин билан банд қилинди [6].

1961–1965 – йилларда Марказий Фарғона ерларининг 122,2 минг га майдонидаги қолган барча кўриқ ерларни суғориш ундан Фарғона обалсти бўйича – 67,8 минг га ва Андижон области бўйича – 54,4 минг га [24. В. 237] ерларидаги умумий ишларни яқунлаш тўғрисидаги қарорга асосан Марказий Фарғона ерларини қишлоқ хўжалиги жиҳатидан ўзлаштириш ва ирригация-мелиорация ҳолатида тайёрланди. Бутун Марказий Фарғона ерлари ирригация-мелиорация жиҳатидан жами 122,2 минг га ҳажмида тайёрланди. Бу аввалги йилларга нисбатан ерларни ирригация-мелиорация жиҳатдан тайёрлаш соҳасида анча юқори кўрсаткични ташкил қилади. Қишлоқ хўжалик ўзлаштириш ишлари 1961–1965 йилларда жами 101 минг га ташкил этиб, ундан 60,2 минг га колхозларга, шунингдек, 40,8 га хўжалик жиҳатдан ўзлаштирилган совхозларга тўғри келди [12].

Қисқа муддат ичида Марказий Фарғонадаги кўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш ҳамда Фарғона водийсидаги колхозларнинг имкониятларини ҳисобга олган ҳолда 1961–1966 йилларда вилоят ташкилотларининг қуйидаги таклифлари қабул қилинди. Унга кўра, Фарғона областида мавжуд 20,3 минг га кўриқ

ерларидаги пахтачилик совхозлари ва яна 17,3 минг га иккита совхоз ташкил қилинади, Андижон области бўйича 8,6 минг га мавжуд совхозлар ва 20,6 минг га совхозлар ташкил қилинади [18].

1961 йилнинг 1 июлига қадар Марказий Фарғона ерларини суғориш ва ўзлаштириш бўйича Колхозлараро Совет Фарғона ҳамда Андижон областларида иш олиб борди. 1960 йилда Колхозлараро Совет 7 710 га ерларнинг ирригация-мелиорация тайёргарлиги масаласи муҳокама қилинди. Ундан 2 240 га Андижон областига, 5 470 га Фарғона областига тўғри келди. 1961 йилдаги ҳисоботда фақат Фарғона области бўйича 6 333 га ерлар ирригацион-мелиоратив жиҳатдан тайёрланганлиги кўрсатилган [19. В. 21]. Ундан 5030 га кўриқ ерларни дастлабки тайёрлаш учун, 1303 га эса илгари тайёрланган ерлардаги такрорий ишлар учун ажратилди. СССР Министрлар Советининг 1962 йил 2 сентябрдаги қарорида ЎзССРнинг Фарғона ва Андижон областларидаги яъни айнан Марказий Фарғона ерларидаги олиб борилаётган ўзлаштириш ва суғориш ишлари кўзда тутилди [20]. Ўтган йиллар давомида Марказий Фарғонада сезиларли даражада ишлар бажарилди. 60 минг га янги ерлар қишлоқ хўжалиги оборотига киритилди, 22 та янги колхоз ва 2 та пахтачилик совхозига асос солинди, кўпгина суғориш ва қуритиш колхозлари, автомобиль йўллари ва 26 поселка учун колхоз ва совхозлар барпо этилди.

Марказ ҳукумати ўз диққат-эътиборини пахта етиштириш учун қулай иқлим ва шароитга эга бўлган Фарғона водийсига қаратди. Ана шу мақсадларда бу ерда суғориш иншоотларини қуриш ва мавжудларини таъмирлаш тадбирлари кучайди. Хусусан, дастлабки йилларда Катта Фарғона каналининг сув сарфи $100 \text{ м}^3/\text{с}$ ни ташкил этган бўлса, икки марта қатор реконструкциялар натижаси ўлароқ 1956 йилда унинг сув ўтказиш қобилияти $185 \text{ м}^3/\text{с}$ га оширилди. 1962 йилда Норин дарёсига бош иншоот қурилгандан сўнг эса $211 \text{ м}^3/\text{с}$ га етказилди.

1955–1959 йилларда Фарғона водийсида 10 минг га ерга сув берадиган 9 та насос станцияси ишга туширилди. 1957 йилда Наманган области Янгиқўрғон районида қишлоқ хўжалиги экинларидан ҳосил олишни янада кўпайтириш мақсадида Шимолий Фарғона каналига собиқ “Пахталикқўл” давлат хўжалигидаги 325 га ерларни суғориш учун секундига 300 л сув харажатли икки ўтказгичли “Пахталикқўл” насос станцияси барпо этилди. 1958 йилда “Пахталикқўл” давлат хўжалигининг тугатилиши натижасида унинг ерлари қуйидагича тартибда тақсимланди: “Ленинград” жамоа хўжалигига пахта экиш учун 136 га ҳамда “Пахталикқўл” тубсанаториясининг ёрдамчи хўжаликларига 189 га берилди. Насос станцияси 150 мингга яқин баланс қиймати билан мазкур тубсанаторийга берилди.

Фарғона область партия қўмитаси 1957 йил 2 декабрда “Катта Фарғона каналини реконструкция қилиш тўғрисида”ги масалани атрофлича кўриб чиқди ва мазкур сув берувчи канални реконструкция қилиш, қуриш натижасида унинг сув ўтказиш қобилияти реконструкция меъёрида кўзда тутилган 100 м^3 ўрнига 175 м^3 га ортди. Каналдан фойдаланишнинг биринчи йилида ундан 23 минг га майдон сув ичган бўлса, 1959 йилда эса мазкур кўрсаткич 125 минг га га ўсди. 1957–1958 йилларда республикадаги йирик ирригация иншооти – Сўх дарёсида Қўқон гидроузели барпо этилди. Мазкур гидроиншоот Қўқон гуруҳи районидаги 60 минг га суғориладиган майдонларни сув билан таъминлаш имконини берди. 1958 йилнинг охирида Катта Фарғона каналининг узунлиги 43 км марказий

участкаси реконструкция қилинди, унинг сув ўтказиш қобилияти эса $30 \text{ м}^3/\text{сек}$ етказилди.

1964 йилгача Марказий Фарғонанинг янги суғориладиган массивларида 2000 км дан узунроқ турли каналлар, 2000 км дан ортиқроқ ер ости канал-қувур ва коллекторлар, 7000 тадан кўп гидротехник иншоотлар қурилди [11. Б. 48]. Ўзбекистон КП МҚнинг 1964 йил 21 сентябрда “1965 йилда янги ва бўз ерларни экишга тайёрлаш тўғрисида” ги қарорига асосан Фарғона область қишлоқ ижроия кўмитаси томонидан 1965 йилда областдаги янги ерларни экиш давридаги ўсиб бориши – 6093 га, ундан 984 га 1964 йилда қишлоқ хўжалиги оборотидаги маблағлардан тушган, 3958 га Марказий Фарғонада экишга қадар тайёрланган ва янги тайёрлаш ишлари – 1151 га ҳажмида бажарилди [24. В. 67].

Фарғона области Қува районидаги Каркидон сув омбори қурилиши 1962 йилда бошланиб, 1967 йилнинг октябрида тугалланди. Бу табиий шароитдаги сув омбори майдони $9,65 \text{ км}^2$ бўлиб, у 200 млн. м^3 сув тўплаш имкониятига эга бўлди. У Қувасой (Исфайрамсой дарёси ирмоқлари) дарёсида барпо этилган бўлиб, фойдали сиғими $218,4 \text{ м}^3$ га тенг. Тўғонга $3,4 \text{ млн. м}^3$ шағал-қумли тупроқ, $2,4 \text{ млн. м}^3$ қумоқ тупроқ тўкилди, 60 минг м^3 бетон ва темир-бетон ётқизилди. Сув омборининг ишга туширилиши билан Андижон ва Фарғона областларининг Жанубий Фарғона каналидан сув ичган 69 минг га суғориладиган ерларини оби-ҳаёт билан таъминлашни яхшилади.

Собиқ СССР Министрлар Советининг 1963 йил 15 мартдаги қарорига асосан Андижон сув омбори барпо этилди. У собиқ Иттифоқнинг марказий давлат бюджети ҳисобидан амалга оширилди. 1969 йилда (ўша йил нархида) мазкур иншоотнинг умумий нархи 332,5 млн. сўмни ташкил қилиб, амалда 297,0 млн. сўммиқдоридидаги маблағ ўзлаштирилди [26]. Фарғона областида 15 йил (1966–1980 йй.) мобайнида кўплаб суғориш ишлари уддаланди. Жумладан, “Марказий Фарғонанинг 42,2 минг га дан зиёд ери ўзлаштирилди. Экин майдонлари қарийб 300 минг га га етди. Шу давр ичида Каркидон, Қўрғонтепа сув омборлари қурилди” [27]. 1977 йилда “Наманганводстрой” трестининг совети томонидан янги ерларни ўзлаштириш бўйича белгиланган топшириқни бажариш бўйича жорий йил биринчи чорагида 460 га янги ерларни киритиш вазифаси қўйилди. Жумладан, шу йил 8 февраль ҳолатига кўра М-1 каналининг иккинчи навбати бўйича 40 га янги суғориладиган ерлар ўзлаштирилди, 4,9 км труба ётқизилди. Қурилиш-монтаж ишлари февраль ойининг биринчи ўн кунлигида 57 минг рубль ўрнига 16 минг рубль, ёки 28 % га бажарилди. Айниқса, февраль ойида топширилиши режалаштирилган Задарё (Мингбулоқ) тумани 184 га майдонли “Комсомол” жамоа хўжалигидаги суғориладиган ерлар бўйича ишлар тўла адо этилмади. Қўриқ ўрнида барпо этилган Бўз районида 1978 йилнинг ўн бир ойида 40 га ер ўзлаштирилди, 1 442 га ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланди, 662 га ер капитал планировка қилинди, 1 100 га ердаги суғориш тармоқлари реконструкция қилинди, 14 км йўл қурилиб, шағалланди ва 16,5 км ёпиқ зовур қурилиб, фойдаланишга топширилди

Хуллас, 1950–1991 йилларда Марказий Фарғона ерларида ҳам ирригация-мелиорация ишларининг юқори даражада тараққий эттирилиши биринчи ўринда пахта яккаҳоқимлиги сиёсати таъсирида кечди. Хусусан пахтачилик соҳасини ривожлантирилиши ижобий томонлари билан бирга айрим салбий оқибатларни ҳам келтириб чиқарди. Бу ердаги ўзлаштириш ва суғориш ишлари катта ҳажмда амалга

оширилди. Бироқ, мазкур ўтган даврда кўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш масаласида, уларга капитал маблағлар ажратишда, ҳукумат органлари томонидан чиқарилган қарорлар кўплаб жойларда ижро этилмади. Айниқса, кўриқ ерларни ўзлаштиришга ажратилган капитал маблағлардан тўлақонли ҳолатда фойдаланилмади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Андижон вилоят давлат архиви (АВДА), 608-фонд, 1-рўйхат, 932-йиғмажилд.
2. АВДА, 619- фонд, 1-рўйхат, 113- йиғмажилд, 107-варақ.
3. АВДА, 608- фонд, 1-рўйхат, 955- йиғмажилд, 12-варақ.
4. АВДА, 608- фонд, 1-рўйхат, 1177- йиғмажилд, 43 -варақ.
5. АВДА, 619- фонд, 1-рўйхат, 140- йиғмажилд, 203 -варақ.
6. АВДА, 608- фонд, 1-рўйхат, 1451- йиғмажилд, 16 -варақ.
7. Наманган вилоят давлат архиви (НВДА), 275-фонд, 1-рўйхат, 1341-йиғмажилд.
8. НВДА, 317- фонд, 1-рўйхат, 1330- йиғмажилд, 9-варақ.
9. НВДА, 317- фонд, 1-рўйхат, 1421- йиғмажилд, 48 -варақ.
10. Насритдинов Қ.М. Ўзбекистонда ирригация-мелиорация қурилишининг ривожланиши ва унинг ижтимоий-иқтисодий оқибатлари (1981-1990 йиллар): Тарих фан.номз. ... дис.- Андижон, 1994.-147 б.
11. Очилов Н. Ўзбекистонда ирригация- мелиорация ишлари (1946-1964). – Тошкент: Фан, 1991. -104 б.
12. Фарғона вилоят давлат архиви (ФВДА), 1151- фонд, 1-рўйхат, 14-йиғмажилд, 1-варақ.
13. ФВДА, 1151- фонд, 1-рўйхат, 80-йиғма жилд, 6-варақ.
14. ФВДА, 1151- фонд, 1-рўйхат, 87- йиғмажилд, 57-варақ
15. ФВДА, 1151- фонд, 1-рўйхат, 13- йиғмажилд.
16. ФВДА, 1151- фонд, 1-рўйхат, 59- йиғмажилд.
17. ФВДА, 1151- фонд, 1-рўйхат, 47- йиғмажилд, 3-варақ.
18. ФВДА, 1151- фонд, 1-рўйхат, 91- йиғмажилд.
19. ФВДА, 1151- фонд, 1-рўйхат, 98- йиғмажилд, 15-варақ.
20. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020 йил 24 январь. www.president.uz.
21. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси архиви Андижон вилоят бўлими (ЎЗР ПАА АВБ), 155-фонд, 1-рўйхат, 201-йиғмажилд, 5-варақ.
22. Ўзбекистон Миллий архиви, Р.2483-фонд, 1-рўйхат, 1382-йиғмажилд, 285-варақ
23. Ўзбекистон Миллий архиви, 2483- фонд, 1-рўйхат, 1595- йиғмажилд.
24. Ўзбекистон Миллий архиви, Р.90- фонд, 10-рўйхат, 303- йиғмажилд, 124-варақ.
25. ЎЗР ПАА АВБ, 155- фонд, 2-рўйхат, 190-йиғмажилд, 3-варақ.
26. ЎЗР ПАА АВБ, 155- фонд, 2-рўйхат, 183-йиғмажилд, 88-варақ.
27. Ғофуров А. Ирригация ва мелиорацияни ривожлантиришнинг иқтисодий проблемалари.-Тошкент: Ўзбекистон, 1974.-126 б.